

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЎСМАТОВ РАВШАН КОМИЛЖОНОВИЧ

**«ЧАСТОТАВИЙ РОСТЛАНУВЧИ АСИНХРОН ЭЛЕКТР ЮРИТМА
АСОСИДА ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ НАСОС ҚУРИЛМАСИНИНГ
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ»**

05.05.02 – «Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.
Электротехник мажмуалари ва қурилмалар»
(техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Дўсматов Равшан Комилжонович

Частотавий ростланувчи асинхрон электр юритма асосида юқори
кучланишли насос қурилмасининг энергия самарадорлигини ошириш..... 3

Дусматов Равшан Камилжанович

Повышение энергоэффективности высоковольтной насосной установки на
основе частотно-регулируемого асинхронного электропривода 25

Dusmatov Ravshan Kamiljanovich

Improving energy efficiency of a high-voltage pumping unit based on a frequency-
controlled asynchronous electric drive 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЎСМАТОВ РАВШАН КОМИЛЖОНОВИЧ

**«ЧАСТОТАВИЙ РОСТЛАНУВЧИ АСИНХРОН ЭЛЕКТР ЮРИТМА
АСОСИДА ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ НАСОС ҚУРИЛМАСИНИНГ
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ»**

05.05.02 – «Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.
Электротехник мажмуалари ва қурилмалар»
(техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4PhD/T1325 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Хашимов Арипджан Адилевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тоиров Олимжон Зувурович техника фанлари доктори, профессор Арипов Назиржон Мукаррамович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Павоний давлат кончилиқ институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 01 соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (197 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41).


Диссертация автореферати 2021 йил «14» сентябрь да тарқатилди.
(2021 йил «12» сентябрь даги 1 рақамли реестр баённомаси).




Қ.Р. Аллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси
техника фанлари доктори, профессор, академик


О.Х. Ишназаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби
техника фанлари доктори, профессор


М.И. Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қўшмадаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда частотавий ростланувчи юқори кучланишли асинхрон электр юритмали насос қурилмасининг энергия тежамкор иш режимларини оптималлаштириш асосида энергия самарадорликни аниқлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда « ... электр энергияси билан ишлайдиган насос қурилмалари самарадорлигини ошириш бўйича ташаббуслар энергия сарфини камайтириш ва шу билан бир қаторда атроф-муҳитга глобал таъсир этишга қарши курашишнинг асосий ечими ҳисобланади. Насос қурилмалари, айниқса, марказдан қочма насослар дунёдаги энергиянинг тахминан 20%ини истеъмол қилади»¹. Бу борада, жумладан энергия самарадор иш режимини таъминлайдиган, частотавий ростланувчи электр юритмали юқори кучланишли насос қурилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда юқори кучланишли асинхрон электр юритмали насос қурилмаларини частотавий бошқариш ҳамда уларнинг иссиқлик жараёнларини аниқ ва тез ҳисоблаш алгоритмининг тузишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, насос станцияларидаги юқори кучланишли асинхрон электр юритмали насос қурилмаларининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу билан бирга, насос қурилмаларидаги электр юритмасининг статор пўлати, статор чулғами ва ротор иссиқлик ўтказувчанлигини аниқ ва тез ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикаимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган насос станцияларининг энергия истеъмоли иқтисодини ривожлантиришнинг технологик даражасини яхшилаш, жумладан, асинхрон электр юритмаларини частотавий ростлаш ва оптимал иш режимларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ва жорий қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... иқтисодиётнинг энергия сарфланувчанлиги ва ресурс сарфланувчанлигини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфланувчанлигини пасайтиришнинг мақсадли кўрсаткичлари бўйича амалга оширилаётган энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш”² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан частота ўзгартиргичнинг функционал схемасини ва насос станциясининг оптимал иш режимларини ишлаб чиқиш орқали қўшимча энергия тежаш имкониятларини

¹<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0306261916311576>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

аниқлаш муҳим вазифалардан бири деб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли “2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада тикланадиган энергетикани янада ривожлантириш, энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сонли “Замонавий энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни келгусида жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1042-сонли “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги тизимида моддий ва маънавий эскирган насос станцияларини босқичма-босқич замонавийлаштириш ва янгилаш, насос станцияларини ишлатиш ва бошқаришни автоматлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши қисман хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган: II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик”.

Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларини ўрганилганлиги.³ Ҳозирги вақтда саноат, қишлоқ хўжалиги ва коммунал сув таъминоти тизимларида насос қурилмаларининг энергия тежамкор автоматлаштирилган тизимларида частотавий ростланувчи электр юритмалари асосида насос қурилмасининг сув узатиш технологик жараёнини амалга оширишда энергия тежамкор технологиялар ишлаб чиқилган ва жорий қилинган. Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Германиянинг Мюнхен техника университети, мамлакатимизда Тошкент давлат техника университети ва яна бошқа университетларда бу борада кенг камровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда

Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан Смит К., Франк М., Готтер Г., Булгаков А.А., Ильинский Н.Ф., Шрейнер Р.Т., Белов М.П., Ключев В.И., Фигаро Б.И., Браславский И.Я., Hanitsch R., Ftrreira F.J., Auingtr H., Sitmjn G.R., Heinrich W., ва бошқа бир қатор олимлар ва амалиётчилар, шу жумладан Ричагов В.В, Флоринский М.М., Минаев А.В., Карелин В.Я., Юньков М.Г., Лезнов Б.С., Walker С., Jahns Т.М., Walters D.G. тадқиқотлари сув ва бошқа суюқликларни бир жойдан бошқа жойга олиб қуйиш учун мўлжалланган насос қурилмаларининг гидромеханик ва электромеханик ускуналари энергия самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва амалий вазифалар масалаларига бағишланган.

³Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларини ўрганилганлиги: <https://www.twirpx.com>, <http://cyberleninka.ru>, www.researchgate.net, <https://uc-cicee.org>, <http://www.sci-hab.la>, www.dissercat.com, <http://elibrary.ru> ва бошқа манбаалар.

Республикамиз олимлари орасидан академиклар Хамудханов М.З., Фазилов Х.Ф., Абдуллаев Ж.А., Камалов Т.С., Хашимов А.А., Аллаев К.Р., Захидов Р.А., Насиров Т.Х., профессорлар Ситдиқов Р.А., Арипов Н.М., Хошимов Ф.А., Алимходжаев К.Т., Бобожанов М.К., Хамудханов М.З. ва бошқа олимларнинг саноатда энергетик ресурслардан самарали фойдаланиш ва электр энергия истеъмоли режимларини оптималлаштириш масалаларига бағишланган илмий ишларини қайд этиш мумкин.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, эълон қилинган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда насос қурилмаларининг частотавий ростланувчи электр юритмалари энергия самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда аксарият ўтказилган тадқиқотлар умумий саноат мақсадлари учун мўлжалланган қуйи кучланишли асинхрон электр юритмаларни ўрганишга тегишли бўлган. Юқори кучланишли асинхрон электр юритмалар конструктив тузилиши бўйича қуйи кучланишли асинхрон электр юритмалар билан қўплаб умумийликка эга, бироқ шу билан бирга уларнинг тузилишида ҳам, технологик ишлатиш режимларида ҳам ўзининг яққол ифодаланган специфик хусусиятлари мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетиде амалга оширилган ОТ-Ф2-62 рақамли “Микропроцессор бошқарувли автоматлаштирилган электр юритмалар асосида энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва яратиш ҳамда электр машиналар ва кабелли техниканинг энергетик самарадорлигини ошириш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот иши режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: частотавий ростланувчи юқори кучланишли асинхрон электр юритмали насос қурилмасининг асосий иш режимлари кўрсаткичларини тадқиқ қилишга мўлжалланган энергия исрофларини камайтирувчи усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқот вазифалари:

- частотавий ростланувчи юқори кучланишли асинхрон электр юритмали насос қурилмасининг энергия тежамкор иш режимларини амалга оширишга доир керакли ва етарлича шарт-шароитларни таҳлил қилиш;

- частотавий ростланувчи юқори кучланишли асинхрон электр юритмали насос қурилмасининг турли механик юклама миқдорларида механик, электр ва энергетик кўрсаткичларини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш;

- эквивалент иссиқлик схемалари, йўналтирилган графлар ҳамда граф инверсияси асосида частотавий ростланувчи юқори кучланишли асинхрон электр юритмали насос қурилмасида кечадиган иссиқлик жараёнларини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

- насос қурилмасининг энергия тежамкор, автоматлаштирилган, частотавий ростланувчи электр юритмасининг функционал схемасини ишлаб

чиқиш ва унинг иш режимлари экспериментал тадқиқотларини ўтказиш ҳамда амалий қўлланилиши учун тегишли тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти насос қурилмаларининг юқори кучланишли частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаларидан иборат.

Тадқиқот предмети частотавий ростланувчи электр юритма, энергия тежамкор иш режимлари, частотавий ростлагичли электр юритмали насос қурилмаси функционал схемаси, электр юритманинг иссиқлик жараёнларини ҳисоблаш усуллари киради.

Тадқиқот усуллари. Электр машиналари ва электр юритма назарияси, электр машиналарининг қизиш ва электр юритмаларни оптимал бошқариш назарияси асосида насос қурилмаларининг гидромеханик ва электромеханик иш кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган. Математик аппарат асосида жадваллар, матрица ва итерация усулларидан фойдаланилган ҳолда олинган ҳисоб-китоблар амалдаги насос қурилмаларида лаборатория ва табиий шароитдаги экспериментал тадқиқотлар билан текширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- юқори кучланишли частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмали насос қурилмасининг валга турли механик юклама миқдорлари билан статик иш режими учун асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

- частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг статор чулғами, статор пўлати ва ротор ҳарорати ошишини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

- йўналтирилган графлар ҳамда граф инверсияси асосида юқори кучланишли частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг иссиқлик жараёнларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

- энергия самарадор иш режимини таъминлайдиган, частотавий ростланувчи электр юритмали юқори кучланишли насос қурилмасининг функционал схемаси частотавий ростлагич ва иссиқлик узатувчанликни аниқловчи датчиклар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари юқори кучланишли частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаларнинг турли механик юклама миқдорларида стационар иш режимлари учун асосий кўрсаткичларини ҳисоблашнинг муҳандислик услуби ишлаб чиқилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мунтазам таҳлилга, математик усуллар ва моделларнинг тўғри қўлланилишига асосланган замонавий тадқиқот усуллари қўлланилиши орқали асосланган хулосалар ва тавсиялар билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг статор чулғами, статор пўлати ва ротор ҳарорати ошишини ҳисоблашнинг математик моделини ишлаб чиқиш билан тавсифланади; энергия самарадор иш режимини таъминлайдиган, частотавий ростланувчи электр юритмали юқори кучланишли насос қурилмасининг

функционал схемаси частотавий ростлагич ва иссиқлик узатувчанликни аниқловчи датчиклар асосида такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти частотавий ростланадиган асинхрон электр юритмали юқори кучланишли насос қурилмасида иссиқлик ўтказувчанликни аниқ ва тез ҳисоблаш алгоритмини тадқиқ қилиш ҳамда энергия самарадор иш режимини таъминлайдиган, частотавий ростланувчи электр юритмали юқори кучланишли насос қурилмасини функционал схемаси частотавий ростлагич ва иссиқлик узатувчанликни аниқловчи датчиклар асосида такомиллаштиришга эришиш, бу пировардида сув ва энергетик ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини бериш билан изоҳланади.

Ишнинг асосий амалий якуни насос қурилмасининг технологик кўрсаткичлари, шунингдек асинхрон электр юритма валига турли механик юклама миқдорлари учун энергетик ва иссиқлик кўрсаткичлари ўзгаришлари ҳисобга олинган ҳолда, тежамкор частотавий ростланувчи электр юритма амалга оширилиши билан автоматлаштирилган юқори кучланишли частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаларидан оптимал фойдаланиш бўйича тавсиялар асосланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг татбиқ қилиниши. Частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг ҳарорати ошишини ҳисоблаш алгоритми МАХАМ - СИРСИҚ” АЖ жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзкимёсаноат”АЖнинг 2019 йил 21 октябрдаги 03-6520-сон маълумотномаси). Натижада насос қурилмасининг иссиқлик жараёнларининг ҳисоблаш вақтини 2 баробарга қисқартириш ва аниқлик даражасини ошириш имконини берган;

юқори кучланишли насос қурилмасининг энергия тежамкор иш режимлари “МАХАМ - СИРСИҚ” АЖ жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзкимёсаноат”АЖнинг 2019 йил 21 октябрдаги 03-6520-сон маълумотномаси). Натижа йилига 379318 кВт·соат электр энергияни тежаш имконини берган;

юқори кучланишли частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаси “МАХАМ - СИРСИҚ” АЖда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзкимёсаноат”АЖнинг 2019 йил 21 октябрдаги 03-6520-сон маълумотномаси.). Натижа йилига 125,6 млн. сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 6 та халқаро конференцияда ва 1 та Республика конференциясида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган. Улардан 4таси илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси

томонидан асосий илмий натижаларни эълон қилиш тўғрисида тавсия қилинган 3та мақола Республика журналларида, 1та мақола чет эл (шулардан 1та мақола Scopus рўйхатида бўлган) журналларида чоп этилган, шунингдек ихтиро учун 1 та ариза топширилган.


Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация ишининг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлиги асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган, илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга ва ўқув жараёнига жорий қилинганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“АСИНХРОН ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛАРИДА ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ”** деб номланган биринчи бобида асинхрон электр юритмаларининг энергетик самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

1-расмда дросселлаш ва частотавий ростлашда марказдан қочма насоснинг унумдорлик тавсифлари кўрсатилган. 1-эгри чизик номинал айланиш частотасида ростланмайдиган электр юритмаси ишлашини тавсифлайди, 3-эгри чизик тўсма қопқоқ тўлиқ очилган ҳолатда магистрал ишлашини тавсифлайди. Сув сарфланиши ва босими миқдорлари 1-расмда номинал сарфланиш $Q_{ном}$ ва номинал босим $H_{ном}$ асосий миқдорлари сифатида фойдаланилганда нисбий бирликларда келтирилган. Номинал сарфланиш ва номинал босимда насос А нуқтада ишлайди, насос томонидан сарфланадиган қувват эса $0KAL$ тўғрибурчак майдонига мутаносиб бўлади. Мисол учун $0,6 H_{ном}$ ни ташкил этадиган сув сарфланиши кўрсатилган. Дросселлаш орқали ростлаш ҳисобига магистрал қаршилигининг ўзгариши юз беради (4-эгри чизик).



1-расм. Дросселлаш ва частотавий ростлашда марказдан қочма насоснинг унумдорлик тавсифлари.

Насос 1-эгри чизик В нуктасида ишлайди, бу босим ошишига олиб келади, у номиналдан кўпроқ бўлади, насоснинг 0DBF тўғрибурчак майдониға пропорционал куввати эса номинал сарфланишда истеъмол қилинадиган кувватдан жиддий фарқ қилмайди, тааллуқли равишда, камайтирилган сарфланишда энергия истеъмоли ҳам бир оз ўзгаради ёки деярли ўзгармайди.

Сув сарфланишини (узатилишини) дросселлаш орқали ростлашда тизимда босим ошиб боради ва энергия сарфланишини пасайтириш имкони бўлмайди. Насосларда частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмасининг қўлланилиши нафақат электр энергия тежалишига, балки ундан технологик автоматлаштирилган тизим билан биргаликда фойдаланишга ҳам ёрдам бериши, бу сарфланишдан қатъий назар тизимда ўзгармас босим сақланишини таъминлайди ва кераксиз ортиқча босимга йўл қўймаслик имконини беради.

Диссертациянинг “**НАСОС ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ КЎЧМАС (СТАЦИОНАР) ИШ РЕЖИМИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ЙЎҚОТИЛИШИ**” деб номланган иккинчи бобида насос қурилмаларининг стационар режимда ишлаш вақтида электр энергиясининг йўқотилиш сабаблари таҳлил қилинган.

Марказдан қочма насослар ва қувур йўллари тавсифларини солиштириш шунини тасдиқлайдики, узатилиш камайтирилганда талаб қилинадиган босим ҳам камаяди, насос томонидан кучайтириладиган босим эса ошиб боради. Ушбу босимлар миқдорларидаги фарқ талаб қилинадиган миқдордан юқори босим оширилиши ҳисобланади:

$$\Delta H = H_H - H_C,$$

бунда, H_H - насос қурилмаси томонидан кучайтириладиган босим; H_C - қувур йўли босими. ΔH миқдорлари қанча катта бўлса, насос ва қувур йўлининг тавсифлари шунча тик бўлади ҳамда қанча катта бўлса, насоснинг амалдаги узатилиши ҳисоб-китобга нисбатан шунча кам бўлади.

Босим ошишининг насос ва қувур йўлининг тиклигини тавсифлайдиган сарфланиш Q ва H_ϕ , H_{CT} кўрсаткичларига боғлиқлиги қуйидаги шаклга эга:

$$\Delta H = \Delta H_\phi \left(1 - \left(\frac{Q}{Q_0} \right)^2 \right),$$


бунда, $\Delta H_\phi = H_\phi - H_{CT}$; H_ϕ - ноль узатишдаги сохта босим; H_{CT} - суюқликни узатиш ва қабул қилиш геодезик белгилари фарқи билан боғлиқ статик босим.

ΔH босим очиб-ёпувчи механизмлар (кулфлар) ва сурилма қопқоқларда, дроссель босимли коммуникацияларда йўқотилади. Насос қурилмаси t вақт давомида ΔH босим оширилган ҳолатда ишлатилганда, фойдасиз йўқотиладиган электр энергия миқдори, $kВт \cdot ч$, қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta W = \frac{\rho g Q \Delta H}{1000 \eta} t = \Delta N t,$$

бунда, ρ - суюқ муҳит зичлиги, $кг/м^3$; g - эркин тушиш тезлашиши, $м/с^2$; η - насос қурилмасининг фойдали иш коэффициентини.

Насос қурилмаси босимнинг статик кўрсаткичларидан оширилган ҳолда ишлаши сувни чиқариб ташлайдиган тизимларнинг насос қурилмалари учун хосдир. Насос қурилмаси, қувур йўли ва резервуарнинг биргаликда ишлаш жадвали 2-расмда тақдим этилган.



2-расм. Ўзгарувчан статик босимли насос қурилмаси, қувур йўли ва резервуарларнинг биргаликда ишлаш тавсифи.

Даврий ишлаш режимида насос қурилмаси ишга туширилганда статик босим $H_{ст}$ га тенг бўлади, ишлашдан тўхтатилганда эса, тегишли равишда, $H_{н2}$ га тенг бўлади. Шу туфайли тортиб чиқаришнинг дастлабки даврида қувур йўли тавсифи 1-ҳолатни, охирида эса – 2-ҳолатни эгаллайди. Бунда, доимий айланиш частотаси билан ишлайдиган насоснинг ишчи нуқтаси насос қурилмасининг босим тавсифи бўйлаб “а” нуқтадан “б” нуқтагача силжиб ўтади, яъни насос H_a дан H_b гача ўзгарувчан босим билан ишлайди. Босимнинг динамик ва статик кўрсаткичлари бир вақтда ошган ҳолатда электр энергия йўқотилишларини аниқлаш қуйидаги ифода бўйича амалга оширилади:

$$\Delta W_{\Sigma} = N_{\sigma} T w^*,$$

бунда, N_{σ} - қурилманинг энг кўп сарфланадиган қуввати, $кВт$;


$w^* = \frac{1}{4} H_{ст} \left[\frac{H_{\phi}^*}{H_{ст}^*} - 1 \right] (1 - \lambda)(1 + \lambda)^2$ - ΔH босим ошиши туфайли юзага келган электр энергиянинг нисбий йўқотилишларини тавсифловчи кўрсаткич; λ - нисбатан минимал сув узатилиши; $H_{ст}^*$ - қувур йўли тавсифининг тиклигини тавсифловчи нисбий статик босим; H_{ϕ}^* - насос тавсифининг тиклигини тавсифловчи насоснинг сохта босими.

Истеъмолчига узатиладиган сувнинг бир қисми қувур йўли арматурасидаги зич бўлмаган жойлар орқали фойдасиз оқиб кетади. Сирқиб чиқишлар ва ишлаб чиқаришдан ташқари сарфланишлар умумий сув сарфининг 20-25% га етади. Тармоқда юқори босим мавжудлиги сув сирқиб чиқишлари ва ишлаб чиқаришдан ташқари сув сарфланишларини қуйидаги миқдорга ошириши аниқланган:

$$\Delta Q = Q_2 - Q_1 = Q_1 \left(\sqrt{H_2/H_1} - 1 \right)$$

бунда, Q_1 — H_1 меъёрий босимдаги сарфланиш; Q_2 — H_2 юқори босимдаги сарфланиш.

Насос қурилмасининг номинал миқдордан фарқли фойдали иш коэффициентини билан ишлаши сарфланадиган қувват оширилишига олиб келади. Насос қурилмаси ва қувур йўлининг биргаликда ишлаш графиги 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Насоснинг номинал миқдордан фарқли фойдали иш коэффициенти билан ишлаш тавсифи.

Насос қурилмаси “б” нуқтада керакли миқдорда суюқлик узатилиши учун талаб қилингандан кўпроқ босим билан ишлайди. Бундай режим босим ошишига ва сув сирқиб чиқишлари кўпайишига, бу эса электр энергиясининг сезиларли даражада ортиқча сарфланишига олиб келади. Бундан ташқари, насос қурилмаси номинал миқдорларидан пастроқ фойдали иш коэффициенти билан ишлайди: $\eta_b < \eta_{НОМ}$. Насос қурилмасининг ҳисоб-китобдан кўпроқ узатилиши ва ҳисоб-китобдан пастроқ босим билан ишлаши “в” ишчи нуқтага мос келади. Бундай ҳолатда ҳам насос қурилмаси номинал миқдорлардан пастроқ фойдали иш коэффициенти билан ишлайди: $\eta_b < \eta_{НОМ}$.


“а” нуқта насос қурилмасининг номинал ҳисоб-китоб режимида ишлашига мос келади. Насос қурилмасининг номинал миқдордан $\mu_{НОМ}$ фарқли фойдали иш коэффициенти $\mu_{факт}$ билан ишлаш жараёнида йўқотиладиган энергия миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta W = \frac{\gamma Q H}{102 \eta_{НОМ}} t \left(\frac{\eta_{НОМ}}{\eta_{факт}} - 1 \right).$$


Бир вақтда параллель ишлаётган насос қурилмаларининг минимум умумий энергия сарфлашлари насослар ўртасида юктамаларни тўғри тақсимлаш мезони ҳисобланади. Тавсиф графиклари $N = f(Q)$ пастга букилган эгри чизиқлар шаклига эга аксарият насослар учун минимум энергия сарфланиши параллель ишлаётган насос қурилмаларидан ҳар бирининг қувват ўсишлари қуйидагига тенг бўлган ҳолатда таъминланади:

$$\frac{dN_1}{dQ} = \frac{dN_2}{dQ} = \frac{dN_3}{dQ} = \dots = \frac{dN_n}{dQ}$$


4-расмда насоснинг босимли қувур йўлида унинг айланиш тезлигини ростлаш режимида ишлаши тақдим қилинган.



4-расм. Насоснинг айланиш тезлигини ростлаш режимида ишлаши



5-расм. Насос узатилишининг айланиш тезлигига қараб ўзгариши



6-расм. Насос қаршилик пайтининг айланиш тезлигига қараб ўзгариши

Ўз айланиш тезлигини n_1, n_2, n_3 изчил ўзгартирадиган насоснинг 1, 2, 3-тавсифларининг қувур йўли 4-тавсифи билан кесишмаси ишчи нуқталар a_1, a_2, a_3 ҳолатини белгилайди. Ушбу нуқталарга насоснинг босим H_1, H_2, H_3 ва узатилиш Q_1, Q_2, Q_3 кўрсаткичлари миқдорлари тўғри келади.

Насоснинг айланиш тезлигига қараб, узатилишнинг нисбий ўзгариши қуйидаги шаклга эга:

$$Q^* = \sqrt{\frac{n^{*2} - (H_{\Pi}^*/H_{\Phi}^*)}{1 - (H_{\Pi}^*/H_{\Phi}^*)}},$$

бунда, $Q^* = Q/Q_6$ - нисбий узатилиш; $n^* = n/n_{НОМ}$ - насос айланишининг нисбий тезлиги; H_{Π}^*/H_6 - нисбий статик босим; H_{Φ}^*/H_6 - суюқлик кўтарилишининг нисбий сохта баландлиги. 5-расмда насос узатилиши ўзгаришининг H_{Π}/H_{Φ} нисбатининг турли миқдорлари учун айланиш тезлигига график боғлиқлиги келтирилган.

6-расмда насос қурилмаси қаршилик моменти ўзгаришининг H_{Π}/H_{Φ} нисбатининг турли миқдорлари учун айланиш тезлигига график боғлиқлиги келтирилган. Юритманинг энергетик кўрсаткичлари – юритмадаги йўқотишлар ва унинг фойдали иш коэффициентини механик тавсифи турига боғлиқ бўлади.


Насоснинг механик тавсифи нисбий birlikларда қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$M_C^* = \frac{Q^* H^*}{\eta^* n^*}$$


Тавсифдан кўришиб турибдики, насоснинг қаршилик моменти қанча кўп бўлса, H_{Π}/H_{Φ} нисбати шунча юқори бўлади.

Насос қурилмаларида сирпаниш энергияси йўқотилишларисиз ростланувчи электр юритмалар қўлланилиши энг тежамкор усул бўлиб, улардан фойдаланиш насос қурилмаси бошқарувининг функционал имкониятларини кенгайтиради ва уларнинг энергия тежамкор иш режимларида ишлатилишига ёрдам беради.


Диссертациянинг “**ЧАСТОТАВИЙ РОСТЛАНУВЧИ ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ АСИНХРОН ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛИ НАСОС ҚУРИЛМАСИНИНГ ТУРҒУН ИШ РЕЖИМИДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**” деб номланган учинчи бобида юқори кучланишли асинхрон электр юритма учун частота функциясидаги асосий кўрсаткичлар ўзгариши кўриб чиқилган. Насос қурилмасининг частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаси статик иш режими учун электр юритма валига қаршилик моментининг турли миқдорларида олинган маълумотлар асосида статор, ротор тоқлари ва магнитловчи тоқ ўзгаришлари; фаол, реактив, тўлиқ қувватлар ва умумий қувватлар йўқотилишлари; қувват коэффициентлари ва частота функциясидаги фойдали харакатларининг графиклари 7-14-расмларда кўрсатилган.



7-расм. Насос қурилмаси частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг $M_C = M_{CH}$ (1) ва $M_C = 0,65M_{CH}$ (2) частота




8-расм. Насос қурилмаси частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг $M_C = M_{CH}$ (1) ва $M_C = 0,65M_{CH}$ (2) частота




9-расм. Насос қурилмаси частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг $M_C = M_{CH}$ (1) ва $M_C = 0,65M_{CH}$ (2) частота

функциясидаги статор токлари ўзгаришлари графиклари




10-расм. Насос қурилмаси частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг

$M_C = M_{CH}$ (1) ва $M_C = 0,65M_{CH}$ (2) частота функциясидаги фаол қувватлари ўзгаришлари графиклари



13-расм. Насос қурилмаси частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг $M_C = M_{CH}$ (1) ва $M_C = 0,65M_{CH}$ (2) частота функциясидаги қувватларнинг умумий йўқотилишлари ўзгаришлари графиклари


функциясидаги ротор токлари ўзгаришлари графиклари



11-расм. Насос қурилмаси частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг $M_C = M_{CH}$ (1)


ва $M_C = 0,65M_{CH}$ (2) частота функциясидаги реактив қувватлари ўзгаришлари графиклари

функциясидаги магнитловчи токлари ўзгаришлари графиклари



12-расм. Насос қурилмаси частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг $M_C = M_{CH}$ (1)

ва $M_C = 0,65M_{CH}$ (2) частота функциясидаги тўлиқ қувватлари ўзгаришлари графиклари




14-расм. Насос қурилмаси частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг $M_C = M_{CH}$ (1) ва $M_C = 0,65M_{CH}$ (2) частота функциясидаги қувватларнинг коэффициентлари ўзгаришлари графиклари

Насос қурилмасининг частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаси статик иш режимининг асосий статик кўрсаткичлари таҳлили шуни тасдиқлайдики, электр юритма валига статик момент ўзгаришида улар ночизикли қонун бўйича ўзгаради. Частотавий бошқаришнинг тежамли қонунидан фойдаланиш туфайли частотавий ростлашнинг бутун диапазонида электр юритманинг қувват коэффициенти деярли ўзгармайди, бу эса

ишлатиш кўрсаткичларига ижобий таъсир этади.

15-расмдан кўриниб турганидек, частотавий ростлаш дросселлаш орқали ростлашга нисбатан анча тежамлидир.



15-расм. Насос узатилишини дросселлаш орқали ростлашда (1-эгри чизик) ва частотавий ростлашда (2-эгри чизик) сарфланадиган актив қувватлар боғлиқлиги

Частотавий ростланувчи асинхрон электр юритма жорий қилинганида электр энергия тежалиши тизимда сарфланишидан қатъий назар, H ўзгармас босим сақланишини таъминлайди, бу дросселлаш орқали ростлаш учун хос бўлган кераксиз ортиқча босимга йўл қўймаслик имконини беради.

Диссертациянинг “**ЧАСТОТАВИЙ РОСТЛАНУВЧИ АСИНХРОН ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛИ НАСОС ҚУРИЛМАЛАРИДА ИССИҚЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ**” деб номланган тўртинчи бобида асинхрон юқори кучланишли машинанинг эквивалент иссиқлик схемалари усули бўйича иссиқлик ҳисоб-китоби кўриб чиқилган. Эквивалент иссиқлик схемалари усули ички иссиқлик манбаларига эга ҳарорат майдони қисмларининг ички иссиқлик манбаларисиз ҳарорат майдони қисмларига эквивалент алмашинувини назарда тутди.

Шаклланган эквивалент иссиқлик схемасига мувофиқ, учта иссиқлик тенгламасидан иборат барқарорлашмаган қизиш режими иссиқлик баланси тенгламалари тизими тузилган:

$$\left. \begin{aligned} C_1 \frac{d\Theta_{1f}}{dt} + \Lambda_{11f} \Theta_{1f} - \Lambda_{12f} \Theta_{2f} - \Lambda_{13f} \Theta_{3f} &= P_{1f} \\ C_2 \frac{d\Theta_{2f}}{dt} - \Lambda_{21f} \Theta_{1f} + \Lambda_{22f} \Theta_{2f} - \Lambda_{23f} \Theta_{3f} &= P_{2f} \\ C_3 \frac{d\Theta_{3f}}{dt} - \Lambda_{31f} \Theta_{1f} - \Lambda_{32f} \Theta_{2f} + \Lambda_{33f} \Theta_{3f} &= P_{3f} \end{aligned} \right\}$$

бунда,

$\Theta_{1f}, \Theta_{2f}, \Theta_{3f}$ - статор чулғами, статор пўлати ва ротор ҳароратлари ошиши,

$^{\circ}C$; P_{1f}, P_{2f}, P_{3f} - статор чулғами, статор пўлати ва ротор қувватлари йўқотилиши, кВт;

C_1, C_2, C_3 - статор чулғами, статор пўлати ва ротор иссиқлик сиғимлари,
 $\text{кДж} / \text{кг} \cdot ^\circ \text{С}$;

$\Lambda_{12f} = \Lambda_{21f}$ - статор чулғами ва статор пўлати ўртасида ариқчадаги изоляция орқали иссиқлик ўтказувчанлиги, $\text{кВт} / \text{м} \cdot ^\circ \text{С}$;

$\Lambda_{13f} = \Lambda_{31f}$ - статор чулғами ва ротор ўртасида ҳаво тирқиши орқали иссиқлик ўтказувчанлиги, $\text{кВт} / \text{м} \cdot ^\circ \text{С}$;

$\Lambda_{23f} = \Lambda_{32f}$ - статор пўлати ва ротор ўртасида иссиқлик ўтказувчанлиги,
 $\text{кВт} / \text{м} \cdot ^\circ \text{С}$


$\Lambda_{1f}, \Lambda_{2f}, \Lambda_{3f}$ - статор чулғами, статор пўлати ва роторнинг атроф-муҳитга иссиқлик узатиши, $\text{кВт} / \text{м} \cdot ^\circ \text{С}$;

$\Lambda_{11f} = \Lambda_{1f} + \Lambda_{12f} + \Lambda_{13f}$ - статор чулғамининг умумий иссиқлик ўтказувчанлиги, $\text{кВт} / \text{м} \cdot ^\circ \text{С}$;


$\Lambda_{22f} = \Lambda_{2f} + \Lambda_{21f} + \Lambda_{23f}$ - статор чулғамининг умумий иссиқлик ўтказувчанлиги, $\text{кВт} / \text{м} \cdot ^\circ \text{С}$;

$\Lambda_{33f} = \Lambda_{3f} + \Lambda_{31f} + \Lambda_{32f}$ - роторнинг умумий иссиқлик ўтказувчанлиги,
 $\text{кВт} / \text{м} \cdot ^\circ \text{С}$


Иссиқлик баланси тенгламалари тизимига мувофиқ эквивалент иссиқлик схемаси 16-расмда келтирилган кўринишга эга. Ушбу иссиқлик схемаси 17-расмда тасвирланган графга айлантирилиши мумкин. Граф инверсиясини кетма-кет бажариш, узеллар ва ҳалқаларни кетма-кет истисно қилиш орқали 18-расмда кўрсатилган статор пўлати қизиш жараёнининг иссиқлик модели якуний кўринишини оламиз.



16-расм. Юқори кучланишли асинхрон электрюртимнинг эквивалент иссиқлик схемаси




17-расм. Эквивалент иссиқлик схемасининг графи




18-расм. Статор пўлати қизиш жараёнининг якуний модели

Тақдим қилинган математик графали модель ишлаб чиқилган алгоритм ёрдамида етарли даражада осон дастурланади, бу эса химояланган асинхрон электр юритманинг асосий қисмлари: статор чулғами, статор пўлати ва ротор ҳароратларини турли частота ва юклама миқдорларида ошишининг сон қийматларини аниқлаш имконини беради.


19-расмда 30-50 Гц диапазонида частотавий бошқарувда А4-457-УХ-8УЗ туридаги асинхрон электр юритмалар учун умумий иссиқлик қаршилиқларининг ўзгаришлари тақдим қилинган. Кўриниб турганидек, частота миқдорлари камайтирилгани сари асинхрон электр юритмалари иссиқлик жисмларининг умумий иссиқлик қаршилиқлари юқорилаб борувчи хусусиятга эга.



19-расм. Частота функциясида А4-457-УХ-8УЗ туридаги частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаси иссиқлик жисмларининг умумий иссиқлик қаршилиқлари ўзгаришлари



20-расм. Частота функциясида А4-457-УХ-8УЗ туридаги частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаси иссиқлик жисмларининг қувватлари йўқотилишлари ўзгаришлари




21-расм. Частота функциясида А4-457-УХ-8УЗ туридаги частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаси иссиқлик жисмларининг ҳарорат ошишлари ўзгаришлари

20-расмда 30-50 Гц диапазонида частотавий бошқарув қонуни амалга оширилганида, частотавий бошқарувда асинхрон электр юритмаларининг иссиқлик жисмлари қувватлари йўқотилишларининг ўзгаришлари тақдим қилинган. Частота камайганида мазкур асинхрон электр юритмалари иссиқлик жисмлари қувватларининг барча йўқотилишлари ночизиқли қонун бўйича ω^2 га пропорционал равишда камаяди.

Олинган иссиқлик модели ёрдамида ҳар бир иссиқлик жисми учун частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмаларининг алоҳида қисмларида Θ_{1f} , Θ_{2f} , Θ_{3f} ҳароратларни ошиши аниқланган (21-расм). Частота ўзгариши бошланишида асинхрон электр юритмалари барча иссиқлик жисмлари ҳароратларининг ошиши 40 Гц частотада камаяди ва бу электр юритма валидаги механик юклама қувватининг иссиқлик йўқотилишлари камайиши билан боғлиқдир. Насос қурилмасига ўрнатилган А4-457-УХ-8УЗ туридаги частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмасининг иссиқлик жисмлари, шу жумладан статор чулғами Θ_{1f} ҳароратлари ошириб юборилишининг таҳлили 30-50 Гц частотани ростлашнинг оптимал диапазони эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“ЧАСТОТАВИЙ РОСТЛАНУВЧИ ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛИ НАСОС ҚУРИЛМАСИНИ ЭКПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ИШ РЕЖИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ”** деб номланган бешинчи бобида электр юритманинг таркибий схемаси тузилиши кўриб чиқилган ва унинг ишининг физикавий моделланиши амалга оширилган. Насос қурилмасининг частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмасига қўйиладиган талаблар асосида тегишли тескари боғланишларга




эга электр юритма таклиф қилинган бўлиб, унинг таркибий схемаси 22-расмда кўрсатилган.



22-расм. Насос қурилмасининг автоматлаштирилган частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмасининг функционал схемаси

22-расмда қуйидаги шартли белгилар қабул қилинган: БТ – бошқарилувчи тўғрилагич; МКИ – мустақил кучланиш инвертори; АД – асинхрон мотор; НҚ – насос қурилмаси; ИФБТ – импульс-фазали бошқарув тизими; МИБТ – мустақил инверторнинг бошқариш тизими; КД – кучланиш датчиги; ТД – тезлик датчиги; СТД – статор токи датчиги; ХД – ҳарорат датчиги; СБД – сув босими датчиги; СУД – сув узатиш датчиги; КББ – кучланишни бошқариш блоки; ЧББ – частотани бошқариш блоки; ОБ – оптимизациялаш блоки; ИТ – интенсивлик топширгичи; U – кучланишни бошқариш сигнали; U_f – частотани бошқариш сигнали; U_3 – вазифа сигнали; ΔU_f – частотага тузатиш киритувчи миқдор.

Тезлик частотавий ростланувчи асинхрон электр юритма статик иш режимларида электр энергиянинг катта тежалиши билан бир қаторда равон ишга туширилиш ва тўхтатилишни амалга ошириш имконини беради. 23-расмда асинхрон электр юритмасини $M_{C^*} = 0,5M_{НОМ}$ ва $T_{3И} = 0,6$ с ҳолатида частотавий оҳиста ишга тушириш режими тавсифлари тақдим қилинган бўлиб, у минимал энергия йўқотишлар миқдорига мувофиқдир. Тавсифдан кўриниб турганидек, электрмагнит моментининг максимал миқдори электр юритмасининг номинал моментига тенг: $M_{МАКС} = 1$.



23-расм. Асинхрон электр юритмани оҳиста ишга тушириш
режими тавсифлари

Ушбу режимда энергия йўқотилишлари ва реактив қувват $T_{3и} = 0,12$ с. ҳолатида частотавий ишга туширишга нисбатан камроқ бўлиб, электр йўқотилишлар максимал миқдори 10 баробар камаяди, реактив қувват сарфланиши эса 30 баробар пасаяди. Интеграл тавсифларни солиштириш оҳиста ишга тушириш режимидан фойдаланилганда эришилган самарадорликни тасдиқлайди: $T_{3и} = 0,6$ с. кўрсаткичда энергия йўқотилишлар $T_{3и} = 0,12$ с. кўрсаткич билан частотавий ишга туширишдаги энергия йўқотилишлардан 2,8 баробар камроқдир.

Шундай қилиб, асинхрон электр юритманинг энг оддий бошқариш тизимлари $T_{3и}$ кўрсаткичини танлаш орқали электр юритманинг электрмеханик ва электр координатлари ўтиш жараёнлари сифат кўрсаткичларига, шунингдек энергетик кўрсаткичларига таъсир этиш имконини беради.

ХУЛОСА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси “Частотавий ростланувчи асинхрон электр юритма асосида юқори кучланишли насос қурилмасининг энергия самарадорлигини ошириш” илмий иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Асинхрон электр юритмали юқори кучланишли насос қурилмасининг энергия самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш асосида, марказдан қочма насосларда босимли қувур йўли тармоғида сарфланиш миқдоридан қатъий назар доимий босим таъминлашнинг энг қулай усули частотавий ростланувчи асинхрон электр юритма қўлланилиши эканлиги аниқланган.

2. Насос қурилмалари номинал кўрсаткичлардан фарқли режимларда ишлаганда уларда электр энергия йўқотилишлари ошишига сабаб бўладиган режим кўрсаткичлари аниқланган, шунингдек уларни тежамкор бошқариш асосида камайтириш йўллари белгиланган, натижада насос қурилмасининг энергетик кўрсаткичлари турли частоталарда электрмеханик тизимнинг энергия самарадорлигини аниқлаш имконини беради

3. Частотавий ростланувчи юқори кучланишли асинхрон электр юритманинг валидаги қаршилик моментининг турли миқдорларида асосий электр ва энергетик кўрсаткичлари аниқланган ва таҳлил қилинган. Натижа қаршилик моментининг турли миқдорлари учун олинган таҳлиллар орқали самарадорликни кўриш имконини беради

4. Эквивалент иссиқлик схемаларинг графали модели асосида частотавий ростланувчи асинхрон электр юритманинг барқарорлашган қизиш режимини тадқиқ қилиш ҳамда иссиқлик кўрсаткичларини ва иссиқлик жисмлари ҳароратлари ошириб юборилиши миқдорларини ҳисоблашнинг компьютерга мўлжалланган содда ва қулай усули ишлаб чиқилган, натижа қаршилик моменти ва частотанинг турли миқдорлари учун тез ва юқори аниқликдаги хулосалар олиш имконини беради

5. Автоматлаштирилган частотавий ростланувчи юқори кучланишли асинхрон электр юритма тизимининг статик иш режимлари оптималлаштирилган ҳолда функционал схемаси, шунингдек сув тортиш насос станциялари насос қурилмалари учун унинг самарали қўлланилишига доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, натижа электр механик тизимни энергия тежамкор бошқариш имконини беради.

6. “МАХАМ - СИРСИҚ” АЖда насос қурилмаларининг энергия тежамкор юқори кучланишли частота ростлагич орқали ростланувчи асинхрон электр юритмаси жорий қилинган. Натижада “МАХАМ -

SHIRCHIQ” AJ zavodi сув айланиш тизимининг насос қурилмаси бўйича йилига 379318 кВт*соат электр энергия иқтисод қилинган, молиявий самарадорлик 125,6 млн. сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ
ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ДУСМАТОВ РАВШАН КАМИЛЖАНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ ВЫСОКОВОЛЬТНОЙ
НАСОСНОЙ УСТАНОВКИ НА ОСНОВЕ ЧАСТОТНО-
РЕГУЛИРУЕМОГО АСИНХРОННОГО ЭЛЕКТРОПРИВОДА**

05.05.02 – «Электротехника. Электроэнергетические станции, системы.
Электротехнические комплексы и установки»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/T1325

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хашимов Арипджан Адылович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тоиров Олимжон Зувурович
доктор технических наук, профессор
Арипов Назиржон Мукаррамович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Навоийский государственный горный институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2021 г. ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/10.12.2019.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер ____). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 г.
(протокол рассылки № « ____ » от « ____ » _____ 2021 г.).

К.Р. Аллаев

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

О.Х. Ишназаров

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

М.И. Ибадуллаев

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (АННОТАЦИЯ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется определению энергоэффективности на основе оптимизации энергосберегающих режимов частотно-регулируемого высоковольтного асинхронного электропривода насосного устройства. Сегодня в развитых странах «... инициативы по повышению эффективности электронасосного оборудования являются ключевым решением для снижения потребления энергии и в то же время борьбы с глобальным воздействием на окружающую среду. Насосное оборудование, особенно центробежные насосы, потребляет около 20% мировой энергии.»¹ В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию высоковольтного насосного оборудования с частотно-регулируемым электроприводом, обеспечивающего энергоэффективный режим работы.

По всему миру ведутся исследования по разработке алгоритма частотного регулирования насосных устройств высоковольтного асинхронного электропривода, а также точного и быстрого расчета их тепловых процессов. Исследования в этой области, в том числе повышение энергоэффективности высоковольтных асинхронных электроприводных насосных агрегатов на насосных станциях, являются приоритетными. В то же время разработка и совершенствование алгоритмов точного и быстрого расчета теплопроводности стали статора, обмотки статора и ротора электропривода в насосном оборудовании также являются актуальными задачами.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи «... сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, реализуемых по целевым параметрам снижения энергоемкости в отраслях экономики»². Реализация этих задач, включая повышение надежности работы перекачивающих насосных установок, улучшение технико-эксплуатационных и энергосберегающих показателей, обеспечение технического и экономически обоснованного планирования их работы, во многом определяется разработкой новых технических решений автоматизированных частотно-регулируемых электроприводов насосных установок, что несомненно является одной из востребованных актуальнейших задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сферы на 2017-

¹<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0306261916311576>

²Указ Президента Республики Узбекистан № ПП - 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

2021 годы», № ПП-3238 от 23 августа 2017 года «О мерах дальнейшему внедрению современных энергоэффективных и энергосберегающих технологий» и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 1042 от 26 декабря 2018 года «О мерах по поэтапной модернизации и замене физически и морально устаревших насосных станций, автоматизации эксплуатации и управления насосных станций организаций в системе министерства водного хозяйства Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

